

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР
ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаясини қабул қилди.

Ушбу ташриф Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил ҳамда стратегик шериклик ўрнатилганига 20 йил тўладиган йилда ўтмоқда.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

2019 йил декабрь ойида Токиога

амалга оширилган олий даражали ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб, ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда қўшма корхона ва лойиҳалар сони, шу жумладан, Ўзбекистонда энергетика ва туризм инфратузилмасини, юқори технологик саноатни

ривожлантиришга Япония етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилиш орқали бир неча баробар кўпайди.

Япониянинг ривожланиш ва ҳамкорлик институтларининг молиявий маблағлари иштирокидаги қўшма дастурлар портфели 7 миллиард доллардан ошди.

Узаро савдо ҳажми, энг аввало, талаб юқори бўлган саноат ва қишлоқ ҳўжалиги

маҳсулотларининг янги турларини етказиб бериш ҳисобига ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда узаро ҳамкорликдаги таълим лойиҳаси — Тошкент шаҳридаги Рақамли университет муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги самарали мулоқотларни давом эттириш муҳим эканлигига алоҳида тўхталди ҳамда Япония Бош вазири Фумио Кисидага

Ўзбекистонга расмий ташриф билан келиш таклифини яна бир бор тасдиқлади.

“Марказий Осиё + Япония” форматдаги конструктив минтақавий ҳамкорликни, энг аввало, иқтисодий узаро боғлиқлик, муқобил энергетика ва экология соҳаларида мустаҳкамлашдан манфаатдорлик билдирилди.

Ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаясин Япония ҳукумати Янги Ўзбекистонда

амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Афғонистонда бардавом тинчликни таъминлаш ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига қўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди.

ЎЗА

ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШ —
ИНСОНЙЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 апрель куни эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Аслида бу юртимиздаги халқпарвар ишларнинг узвий давомидир.

Охириги йилларда эътиборга муҳтож аҳоли қатламига ғамхўрлик кўрсатиш бўйича янги тизим яратилди. Ушбу тизимга мувофиқ, Меҳрибонлик уйларидаги 1 минг 500 га яқин болалар оилаларга олинди, 116 та Оилавий меҳрибонлик уйи ташкил қилиниб, 700 га яқин ўғил-қизларнинг ота-она бағрида вояга етиши учун шароит яратилди.

Ўтган йили 757 нафар кўнгли ярим бола уй-жой билан таъминланди. Давлат ҳисобидан 4 мингдан зиёд болаларда мураккаб операциялар ўтказилди. Ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш қўлами ҳам кенгайди. Жумладан, ўтган йили 42 мингга яқин кишига реабилитация ва протез-ортопедия мосламалари олиб берилди. Эшитиш

қобилияти заиф 555 нафар бола кохлеар имплант билан таъминланди. 4 минг нафар кўзи ожиз болага Брайль алифбоси тарқатилди. Эътиборлиси, 35 мингга яқин парваришга муҳтож болаларнинг оналарига 500 минг сўм нафақа тўлаш жорий этилди. Бундай тизим бизда илгари бўлмаган.

▶ Давоми 2-бетда

САМАРҚАНДАДА ТРАНСПОРТ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни Самарқанд шаҳрида транспорт тизимини ривожлантириш бўйича режалар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида Самарқанд шаҳрини истиқболда “миллионлик шаҳарлар”га айлантириш мақсади белгиланган. Бунинг учун жорий йилда шаҳар ҳудуди 28 минг гектар қилиб кенгайтирилади.

Келгуси беш йилда Қорасув мавзеси, Ширин маҳалласи ва вокзал ортидаги ҳудудда 300 минг аҳолига мўлжалланган янги уй-жойлар барпо этилади. Шунингдек, туристлар сони 5 миллион нафарга етиши кутилмоқда.

Буларнинг барчаси шаҳарнинг транспорт тизими, йўллари ва йўл инфратузилмасини янгидан кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ
ҚАТНАШЧИЛАРИНИ
РАВБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хитира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтириб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтинида жонбозлик кўрсатган фажрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фажрийларни ёъозлаш ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига **15 000 000** (ун беш миллион) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-ҳаражатлар

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига маблағларни ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудрофаа вазирилиги, Ички ишлар вазирилиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирилиги, Маданият вазирилиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирилиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ
МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини инфляция даражасига қараб индексациялаб бориш ҳамда тегишли ижтимоий

тўловлар миқдорининг минимал истеърол харажатлари қийматидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида:

1. **2022 йил 1 майдан** бошлаб ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори **12** фоизга оширилсин.

2. 2022 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига **324 000** сўм; ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига **633 000** сўм;

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ВА ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ
ҚАТЛАМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг оилавий ва бошқа муқобил шакллари билан давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 июлдан** бошлаб:

а) **оилавий болалар уйлари**га Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ
ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайити байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳроқиқбат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “**Ўзодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида**”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **65** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 2 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **39** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **6** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **18** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **1** нафарини чет эл фуқароси, **3** нафарини аёл, **3** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда **3** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмақ бериш бўйича масъул вазирилик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига **698 000** сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **698 000** сўм;

1941-1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг воёга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — ойига **3 080 000** сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (633 000 сўмдан) 698 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг

ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига **698 000** сўм этиб белгилансин.

3. Пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни **минимал истеъмо**л харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорларда белгилаш мақсадида **2022 йил 1 майдан бошлаб**:

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **500 000** сўм;

иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **500 000** сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига **500 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — **185 000** сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг

энг кам миқдори — ойига **500 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўшимча қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғирлашишининг олдини олиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали **2022 йил 1 апрелга қадар** нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун маълумотларнинг хато тақдим этилиши, киритилиши ва техник сабаблар туфайли фуқароларга ортиқча тўланган суммалар ҳисобдан чиқарилсин.

5. Пенсиялар ва нафақаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

6. Молия вазирлиги (Т.Ишметов): “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлашда минимал истеъмо

л харажатлари қийматининг мезон сифатида белгилаиши, мазкур турдаги тўловларни олувчилар сонининг кўпайиши ҳисобига Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин;

2022 йил 1 ноябрга қадар давлат пенсиялари миқдорларини ҳар йиллик инфляция даражасида қайта ҳисоблаш (ошириб бориш) тизимини жорий этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”-ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига

иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қўтилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

9. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик

ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 апрель

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУҶЖАТЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ — СОҲА РИВОЖИНИНГ ГАРОВИ

Ислохотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Жамшид ХЎЖАЕВ, қишлоқ хўжалиги вазири

Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида белгиланган тадбирлар ижроси доирасида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини кенг жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада агрокластерлар ва кооперациялар ташкил этиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамламли ислохотлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича 2017–2021 йилларда 17 та қонун, Президентимизнинг 29 та фармони ва 143 та қарори, ҳукуматнинг 183 та қарори қабул қилиниб, ислохотларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича тизимли ислохотлар ўтказилди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бошқарув тизими такомиллаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, ижро интизоми ҳар қандай давлат органи ва ташкилоти фаолияти натижадорлигини таъминловчи **энг муҳим ҳамда асосий иш курсаткичларидан биридир**.

Ўтган йиллар давомида янги-ча механизмлар асосида вазирнинг барча ўринбосарлари — мажмуалар раҳбарларининг асосий эътибори қонун ва қонуности ҳужжатлардаги топшириқларни вақтида ижрога йўллаш ҳамда ўзларига бириктирилган таркибий бўлинмалар ва тизимдаги ташкилотларда уларнинг бажарилиши бўйича қатъий назорат ўрнатишга ва ижросини сифатли таъминлашга қаратилди.

Белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик ҳайъатининг қарорлари, буйруқ ва тегишли назорат режалари тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда ижрога йўналтирилди.

Ўтган 2021 йилда вазирликда **жами 20 323 та** ҳужжат кириб қилинган ҳолда, уларнинг **4 137 таси**, жумладан, **29 та қонун**, Ўзбекистон Президенти ва Администрациясининг **1 399 та** ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **2 709 та топшириги қатъий назоратга олинди**.



Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда ва муддатларда вазирликнинг **жами 495 та** ўз ҳужжати, хусусан, ҳайъатнинг **17 та** қарори, вазирлик марказий аппаратида ўтказилган мажлисларнинг **99 та** баёни, **304 та** буйруқ ва **75 та** назорат режаси қабул қилинди.

2021 йилда вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларга жисмоний ва юридик шахсларнинг **жами 21 465 та**, жумладан, **вазирлик марказий аппарати**га **1 377 та** мурожаати келиб тушди.

Вазирлик ва унинг тизимида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомин янада мустаҳкамлаш мақсадида **ҳар жума кuni** вазирнинг биринчи ўринбосари ҳамда **душанба кунлари** вазир бошчилигида танқидий муҳокама қилиш тизими жорий этилди.

Вазирлик ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисларида ҳар ойда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини тўлиқ таъминламаган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан тегишли интизоимий жавобгарлик чоралари кўриб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги қарори доирасида вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларда ижро **интизомига масъул таркибий бўлинмалар** бошлиқлари (масъуллари)ни танлаш, суҳбатдан ва стажировкадан ўтказиш, лавозимга тайинлаш ва озод этишнинг мутлақо янги тартиби жорий этилди.

Вазирлик ва унинг тизимларида 2021 йил 1 майдан ҳужжат алмашинуви

ҳудудий бошқармалар ҳамда туман бўлимларида жами **1714 та** вакант лавозимга эълон берилиб, **654 нафар** (марказий аппаратга 98 нафар, вилоятларда 556 нафар) салоҳиятли, ёш кадр ишга қабул қилинди.

Танлов натижасида ходимлар сифат таркибини яхшиланишига эришилиб, олий маълумотлилар улуши **93,4 фоизга**, хорижда таҳсил олганлар сони **16 нафардан 35 нафарга** етди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг **2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси** қабул қилиниб, устувор йўналишлар ва вазифалар белгилаб олинди.

Стратегиядаги вазифаларни амалга оширишда **давлат буюртмаси асосида** пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш ҳамда ушбу маҳсулотларга давлат томонидан қатъий харид нархини белгилаш амалиёти бекор қилиниши инқилобий аҳамият касб этди.

Тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлаш доирасида 2019-2021 йилларда жами **455 минг** гектардан ортиқ ер фойдаланишга киритилди ҳамда **788 минг** гектар майдонда сувни тежовчи технологиялар жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш ва мамлакат аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2017-2020 йилларда паст рентабелли жами **330,5 минг** гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, ўрнига юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 3 февралдаги фармони ҳамда 2021 йил 3 февралдаги қарори билан қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзaro боғлайдиган Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Тошкент вилоятида Агрохизматлар маркази ташкил этилди.



2021 йилда қишлоқ ёшларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва бандлигини таъминлаш учун деҳқончилик билан шугʻулланиш истагидагиларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер ажрати

либ, тажрибали деҳқонлар кўрсатмаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг янги тизими ишга тушди.

Жумладан, ўтган йили юртимизда **31,3 мингдан** зиёд фермер хўжалиги ва агрокластерлар тасарруфидаги **175,2 минг гектар суғориладиган экин ери** деҳқончилик билан шугʻулланиш учун “**Аёллар дафтари**”, “**Ёшлар дафтари**”га киритилган **613 519 нафар** ёшга



ажратиб берилди ва **758,4 минг** фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Ер ажратишда давлат иштирокини қамайтириш (**бюрократик тўсиқлар**), деҳқон хўжалигини юритиш учун **ер ажратиш тизимини такомиллаштириш ҳамда 2021 йилда бошланган ер ислохотларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида** Ўзбекистон Президентининг тегишли фармонлари қабул қилиниб, инсон омилисиз электрон ер ажратишнинг **аниқ механизмлари** белгилаб берилди.

2022-2025 йилларда пахта ва ғалладан қисқартирилган паст ҳосилли **200 минг гектар**, шундан 2022 йилда фуқароларга деҳқон хўжалигини ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли ва мойли экинлар ҳамда картошка етиштириш учун **80 минг гектар** ерни **0,1 гектардан 1 гектаргача ерни** очик электрон танлов орқали ижарага бериш белгиланди.

Бунда ер, биринчи навбатда, ҳудудларда шакллантирилган “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**” ва “**Ёшлар дафтари**”да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга очик электрон танловлар асосида ажратилмоқда.

Ер муносабатларида тенглик ва шаффофлиқни таъминлаш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “**Е-ILARA**” ахборот тизими ишлаб чиқилди.

2017-2021 йилларда ўзлаштирилган ва лалми ҳамда пахта ва ғалладан қисқартирилган ерларга ва яроқсиз боғ-тоқзорлар ўрнига жами **136 минг** гектар майдонда интенсив боғ ва **98 минг** гектар тоқзор барпо этилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами **4,4 минг гектар** майдонда замонавий иссиқхоналар ташкил этилиб, улар майдони **5,5 минг** гектарга етказилди.

Соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини трансформация қилишда илмий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, мева-сабзавотчиликни, кластерлар ва кооперацияларни янада ривожлантириш учун Жаҳон банкидан **500 миллион** доллар, Япония халқаро ҳамкорлик агентлигидан (JICA) **200 миллион** доллар, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасидан (IFAD) **46 миллион** доллар имтиёзли кредит жалб этилди.

Халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси) ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги) иштирокида амалга оширилаётган **12 та** лойиҳа доирасида 2017-2020 йилларда жами қиймати **1,34 миллиард долларлик**, шундан мева-сабзавотчиликда **1,05 миллиард** доллар, чорвачиликда **269,6 миллион** доллар ва бошқа ишлаб чиқаришда **11,9 миллион** долларлик **3 635 та тижорат** лойиҳаси молиялаштирилди.

Аграр соҳада кластер усулида фаолият юритиш тизими илк бор 2017 йилда пахтачиликда жорий этилиб, 3 та

кластер ташкил этилди. 2018 йилда улар сони 15 тага етди ва бозор иқтисодиётида ўзининг рақобатбардошлигини кўрсатди. Умуман, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси доирасида 2017-2021 йилларда барча соҳаларда кластерлар тизими кенг жорий этилди.

Амалга оширилган тизимли ишлар натижасида 2021 йилга келиб **463 та** агросаноат кластери фаолияти самарали йўлга қўйилиб, **122 та** пахта-тўқимачилик кластерида **1033,8 минг** гектар (100 фоиз), **157 та** ғаллачилик кластерида **1038,1 минг** гектар (100 фоиз), **146 та** мева-сабзавотчилик кластерида **116 минг** гектар (35 фоиз), **29 та** шолчилик кластерида **21 минг** гектар ва **9 та** дориворчилик кластерида **1 406 гектар** ер бириктирилган.

Озиқ-овқат саноати корхоналари сони 2016 йилда **9,4** мингтадан 2021 йил якунида **21** мингтага (2,2 баробар кўп) етди ва корхоналар томонидан **55,3 триллион** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2016 йилдагига нисбатан 2 баробар ошди.

Мева-сабзавотлари қайта ишлаш қувватлари 2021 йилда **3,1 миллион** тоннага ёки 2017 йилдагига нисбатан **140** фоиз, **гўштни қайта ишлашда 550 минг** тонна ёки 220 фоиз, **сутни қайта ишлашда 2,6 миллион** тоннага ёки 160 фоиз ўсди.

2017-2021 йилларда қуввати **738 минг тоннали 59 та** янги замонавий агрологистика маркази ишга туширилиб, **музлаткичли ва сақлаш ombорхоналари қуввати 1,4 миллион тоннага** етказилиб, 2017 йилдагига нисбатан 2,5 баробар ошди.

2020-2021 йилларда **526 та** фермер хўжалиги ва корхонага **226 та** халқаро **Global G.A.P.** стандарти ҳамда **3 та Organic**, **297 та ISO 22000 (НАССР)** ва бошқа стандартлар жорий қилинди.

Ислохотлар натижасида Ўзбекистон “**Глобал очлик индекси**” (GHI) бўйича 100 дан ортиқ мамлакат орасида 2017 йилда **13,1** кўрсаткич билан 50-ўринни эгаллаган бўлса, 2021 йилга келиб **29** поғона юқорилаб, **5,9** кўрсаткич билан **21-ўринни** банд этди.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 3 февралдаги фармони ҳамда 2021 йил 3 февралдаги қарори билан қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзaro боғлайдиган **Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази** ҳамда Тошкент вилоятида Агрохизматлар маркази ташкил этилди.

Агрохизматлар марказларида **100 турдан ортиқ** агрохизмат кўрсатилади ҳамда “**даладан истеъмо**лгача” тамойили асосида халқаро сифат стандарти ва сертификатлари жорий этилади.

Тизими ва изчил ислохотлар натижасида ўтган йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилдагига нисбатан **104 фоиз** ошди ва қарийб **58 миллион тонна маҳсулот (317,8 триллион сўмлик) ишлаб чиқарилди**.

Соҳада эришилган катта натижалар ва ютуқларнинг замирида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва Президентимиз берган топшириқлар дастуриламал бўлмоқда.

Умуман олганда, вазирликда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ижро интизоми ва ҳужжатлар билан ишлашда аниқ ва тизимли механизм яратилди.



АҚЛ ИННОВАЦИЯСИ

Оқил САЛИМОВ,
академик

Француз файласуфи Рене Декарт “Фикрлашман, демак мавжудман”, деган эди. Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда фақат инсонгина фикрлаш, ақл йўриғи билан яшаш, тафаккур қилиш имконига эга. Бу — Аллоҳнинг одам авлодларига берган буюк неъмат. У ўз ҳаётини ақл доирасида қуради, умрини тафаккур билан ўтказди, шу туфайли бахтли-саодатли ашайди. Инсон умрининг мазмуни бевосита фикрлаш, тафаккур қилиш, ақлни ишлатиш билан белгиланади.



Беназир аллома Абу Наср Форобий “Инсон моҳияти ақлда, ақл моҳияти хатти-ҳаракатда”, деган эди. Албатта, ақлнинг ўлчами, ҳажми, оғирлиги, ранги ё таъми йўқ. Уни инсонларнинг ўзаро муносабатида, юриш-туришида, хатти-ҳаракатида, қандай мақсадлар билан яшаётганида кўриб, билишимиз мумкин. Ана шу ўзаро муносабатлар жараёнида у одам ақлли, бу одам бошқача, деган фикрга борамиз. Ақлнинг даражаси ҳиссиётлар, туйғулар қўршовида мақсадлар билан боғланиб кетади. Ақлли одамларнинг мақсади буюк бўлади. Негаки, улар катта-катта ишларни амалга оширишга қодир беқисс куч-ғайрат, интилишга эга-да.

“УЙҒОНИШ МЎЎЖИЗАСИ”

Ақл фалсафаси ҳақида бежиз гапир-маяпмиз. Орзу-умидли халқмиз. Қонимизда жўшқин туйғулар, олижаноб ҳиссиётлар, эзгу мақсадларга эришиш қудрати кўпиради. Бу — кутлуг ҳодиса. Шундай экан, инсонлар жамияти орзули оламга айланади. Орзулар эса ҳаётни беэади. Орзуга интилиш инсоннинг яратувчилик, бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиради. Натижада, элу юрт назарига тушган, жамоатчилик томонидан эътироф этилган, катта ҳурмат ва эътиборга эришган инсон шаклланади. Ана шунда “Уйғониш мўъжизаси” содир бўлади.

Робиндранатх Тҳакур “Уйғониш мўъжизаси” ҳақида шундай ёзади: *Уйғондим. Деразам зулмати ўчди. Уйғондим. Мўъжиза. Мўъжизадир шул.*

Бугун Ўзбекистон ана шундай катта эврилишлар оғушида. Халқимизнинг тарих синовларида тобланган ақлий ва руҳий қудрати ҳаётини амалларга кўчмоқда. Бу ҳақда гапиришдан аввал яна бир мулоҳазани айтмоқчимиз. Аёнки, жамиятни ақл, юксак интеллектуал салоҳият билан яшайдиганлар юксалтиради. Ундайлар кўп бўлса ҳаёт фаровонлашади, давлат қудратига қудрат кўшилади. Ялпи тўқинлик, бахтли-саодатли ҳаёт юзага келади.

Янги Ўзбекистон катта ақлга суянган, кенг интеллектуал салоҳиятга таянган, замонавий тафаккурга эга бўлган жамият сифатида мутлақо янги тарихий шароитларда замонавий



давлат сифатида дунёга келмоқда, ривожланмоқда, тараққий этмоқда. Бунинг ўзига хос асослари бор.

Халқимиз азалдан меҳнатсевар, бунёдкор, катта яратувчилик қобилиятига эга бўлган, эзгу мақсадлар билан яшайдиган ва келажакка қарғиш ишонч билан қарайдиган халқ. Бундай халқ ҳамisha ҳар нарсасга қодир. У ўзининг буюк келажагини ярата олади ва кейинги авлодларининг фаровон турмушига, ҳаёт тарзига замин яратади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, замонавий цивилизация талаблари даражасида кадрлар тайёрлаш буюк келажагимиз устуни эканини доимо ёдда тутмоғимиз шарт. Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни кучли, билимли, миллатпарвар ва ориятли кадрлар таъминлайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юксак ақлий салоҳият, катта интеллектуал қобилиятгана янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига замин яратади. Демак, ақл инновацияси, тафаккур ва билим инновацияси барча ютуқларимизнинг таянчи.

Бироқ кенг миқёсли ислохотлар жараёни қизгин паллага кирган бир вақтда ақл танқислиги, заковат етишмаслиги, тафаккурнинг чекланганлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Хусусан, янгича тафаккур қарор топаётган, янгича яшашга интилиш кучайиб бораётган бир пайтда унга эҳтиёж тобора ошиб бораётди.

Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаган эди: **“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва**

Дарҳақиқат, таълим-тарбиясиз фан-техникани ривожлантириб бўлмайди. Фан-техника тараққиётисиз эса жамият равнақини таъминлаш мумкин эмас. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, Президентимиз узлуксиз таълимнинг барча бўғинларини бутунлай ислох қилишни, таълим сифати ва самарадорлигини оширишни тарғиб қияпти. Бунинг учун барча моддий ва маънавий юк оғирлигини давлатнинг ўзи зиммасига олган.

Давлатимизнинг таълим-тарбия ва илм-фан сиёсати бутун моҳияти билан ақл инновацияси, интеллектуал салоҳият инновацияси. Бу келажақ бунёдкорлари учун сиёсий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий инновациянинг ўзгинаси.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БИР ЗУМ БЎЛСА-ДА, БЕФАРҚ ҚАРАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Шу йилнинг бешинчи апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилётган ислохотлар натижалари таҳлили юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда соҳадаги бир қатор камчиликлар тилга олинди. Энг муҳими, умумтаълим мактабларида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг қатор чора-тадбирлари кўрилди. Жумладан, бутунлай янги ўқув-услубий дастурлар яратиш, таълим беришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Кейинги уч-тўрт йил ичида мактаблардаги барча синф ўқитувчилари янги методика асосида таълим бериши белгиланди. Бунинг учун ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизда педагогларни янги методикаларга ўргатуви Миллий таълим марказлари ташкил этилади. Уларга аниқ ва табиий фанлар бўйича хориждан энг малакали мутахассислар жалб қилинади. Ҳар бир вилоятда “Тренерлар гуруҳи” шакллантирилиб, улар жойларда мактаб ўқитувчилари малакасини ошириб боради. Тренерларнинг ойлук иш ҳақиға юз фойсига устама тўланади. Мазкур янги тизимни жорий қилиш учун юз миллион доллар қўшимча маблағ йўналтирилади. Абдулла Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти Республика Миллий таълим маркази сифатида қайта ташкил этилади ва Тошкент давлат педагогика университети билан ягона тизимга бириктирилади.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси тубдан яхшиланади. Кейинги ўқув йили бошлангунига қадар 960 та мактабда компьютер синфлари ташкил этилиб, 740 таси янгидан жиҳозланиши ўз натижасини бериши шубҳасиз. Умуман олганда, беш мингдан ортиқ компьютер синфи янгиланади. Бунга республика бюджетидан 200 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан ҳам шунча маблағ йўналтирилади. Бу айтиш мумкинки, жуда катта воқеа, таълимга давлат эътиборининг ёрқин кўриниши.

Мактаб таълими ҳақида гапирганда, бугунги ва келажақ кунларимизга катта умид билан қарай бошлаймиз. Чунки Аристотелнинг **“Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”**, деган гапи ҳеч ёдимиздан чиқмайди. Шундай экан, ҳеч биримизнинг, айниқса, ота-оналар ва биз — педагогларнинг ёшлар тарбиясига бир зум бўлса-да, бефарқ қарашга сира ҳаққимиз йўқ.

Навбат олий таълимга келар экан, мамлакатимиз келажаги, барча соҳалар муваффақияти ҳар томонлама билимли, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг етук мутахассиси ва, албатта, гоёвий чиниққан, чин ватанпарвар, миллатини қадрлайдиган кадрларга боғлиқлигини ҳам таъкидлашдан чарчамаймиз.

Олий таълим айна ана шундай юксак вазифани бажариши лозим. Шу йилнинг 4 март куни олий ўқув юрлари талабаларининг бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда камбағаллиқни қисқартириш, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёни қизгин кечмоқда. Олий таълим муассасаларида ўқиётган кам таъминланган талабалар билан алоҳида шуғулланиш, уларни жамиятнинг фаол фуқароларига айлантириш давлат ижтимоий сиёсатининг янги йўналиши сифатида юзага келди.

Айни пайтда мамлакатимизда 820 минг талаба олий ўқув юрларида билим олмоқда. Президентимиз топшириғига кўра, талабалар ижтимоий аҳволи ўрганилиб, 100 мингга яқинининг



ишлаш ва қўшимча даромад топишга эҳтиёжи борлиги аниқланган. Улар орасида 7,5 минг чин етим ёки ногиронлиги бўлган талабалар бор. Яна 4,5 минг йигит-қиз эса турли ижтимоий ёрдамни назарда тутган “дафтар”ларга киритилган.

Олий таълимда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш, талабаларнинг буш вақтида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши чоралари кўрилоқда. Бунда кам таъминланган талаба, биринчидан, ижтимоий муаммоларини бирмунча ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Иккинчидан, ишлаш, касб маҳоратини эгаллаш орқали соҳани чуқур ўрганган мутахассис сифатида шаклланиб боради.

Талабаларни мутахассислигига қараб, ўз соҳаси бўйича ишга жойлаштириш амалиёти ўзини ҳар томонлама оқлайди. Педагоглар таълим тизими-

келажакка асос яратамиз. Халқ ўз жиғарбандини, ҳаёти ва шажараси давомчисини ишониб мактабга беради. **Мактабдаги муҳит эса, унинг раҳбарига боғлиқ. Ҳар бир раҳбар ўз ташкилотида ўзига хос муҳит яратади.** Шу ўринда бизга ақлли, ташаббускор, масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ташкилотчи раҳбарлар керак бўлиши ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбари олий таълим муаммолари ҳақида гапирар экан, **“Олийгоҳ катта оила. Бу оиланинг раҳбари — ректор. Ота-оналар энг катта бойлигини, фарзандини сизларга топширган. Шунинг учун ректорлар ҳар бир талаба билан шахсан учрашиш шарт. Бу борада ҳақиқий ҳолатни билиб, талабаларнинг оилавий аҳволи, шароити, қандай ўқиётгани, муаммолари ва тақлифлари, ҳуллас, ҳаммаси ҳақида ҳар ойда ҳисобот беради ва бу масалага шахсан масъул**

талаба институтдаги бўш ўринларга, турли ўқув ва тил ўқитиш марказларига, умумтаълим муассасаларига ишга жойлаштирилган. Қолган 643 ишга муҳтож талабани иш билан таъминлаш режалари тузилибди. Уларни тил ўргатиш марказлари ва институтнинг Нарпай ҳамда Пайариқ туманларидаги филиалларига ишга жойлаштириш мўлжалланмоқда экан. Тил билиш даражаси камида В2 ва С1 бўлган талабаларни педагогик фаолиятга жалб этиш йўли билан 150 талаба иш билан таъминланиши айтилган.

Институтнинг ички имкониятларидан фойдаланиб, мавжуд бўш хоналарни талабаларга пуллик ўқув курслари, турли тўғараклар, ахборот технологиялари, спорт, тикувчилик ва бошқа турли хизмат кўрсатиш курсларини ташкил этиш учун бериш, бу билан яна 40 талабани иш билан таъминлаш режалари тузилибди.

Эътиборли тарафи шундаки, мазкур институт ҳозирги пайтда 100 га яқин хорижий нуфузли олийгоҳлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Талабаларни иш билан таъминлаш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, энг ривожланган давлатлардаги илғор технологияларни ўзлаштириш мақсадида Германиядаги бир қатор таълим муассасалари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйган.

Хусусан, талабаларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида Германиядаги “The Simson Private Academy” ва “Globalconsalt” бандлик фирмалари билан биргаликда немис тили бўйича камида В1 халқаро тил билиш даражасига эга бўлган ёш битирувчиларни биринчи навбатда амалиётга жалб қилиб, сўнгра иш билан таъминлаш бўйича келишиб олинди. Кувончлиси шундаки, германиялик ҳамкорларимиз 3 ой ўқитиб, йўл ҳақи, ётоқ жой ва 3 маҳал овқат ҳамда 1000-1800 евро атрофида ойлук маош беришни тақлиф қилибди.

Жорий йилнинг 29 март куни Германиянинг “The Simson Private Academy” агентлиги раҳбарияти, Тюрингия вилояти малакали ишчиларни ёллаш агентлиги ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти вакиллари иштирокда бўлиб ўтган учрашувда битирувчиларни касбий қайта тайёрлаш марказини ташкил этишга келишилибди ва ҳамкорлик меморандуми имзоланибди.

Ҳамкорлик мақсадига кўра, немис тили бўйича В1 даражага эга бўлган битирувчилар Германиянинг нуфузли фирмаларида турли соҳалар бўйича дастлаб олти ой давомида стажировка ўтади. Дуал таълим сифатида битирувчилар бир вақтнинг ўзида касб ўрганади ва немис тилини мукаммал эгаллайди. Бу эса битирувчиларнинг келажақда халқаро стандартлар бўйича касб эгаллашига имконият яратади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти мисолида юритган фикрларимиз денгиздан томчи, холос. Айтмоқчи бўлганимиз эса катта мақсадларга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш.

Шундай экан, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, замонавий цивилизация талабалари даражасида кадрлар тайёрлаш буюк келажагимиз устуни эканини доимо ёдда тутмоғимиз шарт. Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни кучли, билимли, миллатпарвар ва ориятли кадрлар таъминлайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юксак ақлий салоҳият, катта интеллектуал қобилиятгана янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига замин яратади. Демак, ақл инновацияси, тафаккур ва билим инновацияси барча ютуқларимизнинг таянчи.



да, тиббиёт мутахассислиги талабалари ўз соҳасида, шунингдек, муҳандислар, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари, меъморлар, алоқа, транспорт, иқтисодий соҳасида ўқиётган талабалар ихтисосликлари бўйича ишласа, ҳам назарий, ҳам амалий кўникмаси мустаҳкамланиб боради. Уларда ақлий салоҳият, интеллектуал имконият тақомиллашади. **Энг муҳими, талабаларда ўзи танлаган касбга бўлган муҳаббати ортади. Катта иштиёқ билан ишлайди. Ана шу муҳаббат ва иштиёқ инсонни камолга етказди. Унинг кучли, иродали, ғайратли, ташаббускор шахс бўлиб шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.**

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳаси муаммоларига бағишланган кейинги видеоселектор йиғилишларини қузатар эканман, бир ҳолат диққатимни тортиди. Президент жойлардаги раҳбарларга катта ишонч ва қатъий талаб билан қарайди. Дарҳақиқат, давлатнинг Тараққиёт стратегиясини амалга оширишни жойларда ташкил этадиган, уни самарали натижаларга олиб келадиган инсон ташкилот ва муассаса раҳбарларидир.

Халқ таълими соҳасидаги ислохотлар ҳақида гапирар экан, Президент **“Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини — зурриёдини ишониб бераёпти. Бу жуда катта масъулият. Шунинг ҳис қилиб, ўзимизни қийнаб, мактабни ислох қилсак, келажакка замин яратамиз”**, деган эди. Куюнчақлик билан айтилган бу гапда ўзига хос мантиқ бор. Биз миллат келажаги олдида жавобгармиз. Келажақни эса фарзандларимиз яратади. Унга эғалик қилади. **Биз ўз болаларимизни, миллатимиз зурриёдини қандай тарбияласак, ўшанда**

ИННОВАЦИЯ



“ишга тушириш” тугмаси

Оддий усулда ҳавони тозалаш ёхуд хурмонинг қоқиси қандай бўлади?



“Start-up” ҳақида нима биламиз?

Сўнгги йилларда ўзбек тили луғатига бир қанча замонавий сўзлар қаторида стартап атамаси ҳам кириб келди. Инглизча “start-up” сўзидан олинган бу термин “жараёни бошлаш”, “ишга тушириш” каби маъноларга эга. Манбаларда “стартап” сўзи 1939 йилда Америкада пайдо бўлгани айтилади. Уша пайтлари Стенфорд университети талабалари Дэвид Паккард ва Уильям Хьюлетт мўъжазгина лойиҳа ишлаб чиқади ва уни “start-up” дея номлашади. Бугунга келиб, ўзбек жамияти “стартап” деган терминни тадбиркорнинг “оёққа туриб олиши жараёни”, деб қабул қилмоқда ва улар қайсидир маънода ҳақ.



Акмал СУЮНОВ,
“Куёш томчилари” масъулияти чекланган жамият раҳбари:



— Маҳаллий хурмо мевасини японча услубда қуриб, майизини етиштириш ва экспорт қилиш лойиҳаси гоёси Жанубий Кореяда яшаётган пайтимда пайдо бўлган. Бир кунни дўкон расталарини айланиб юриб, одамлар гавжум жойга бориб қолдим. Улар хурмо мевасининг қоқиси (майизи)га навбатга туриб, қиммат бўлишига қарамадан сотиб олаётган эди. Шунда беихтиёр уйлаб қолдим: “Наҳотки, бизнинг бозорларимизда арзимаган пулга сотиладиган жайдари хурмомизни қоқи қилиш мумкин эмас”. Ахир уларни дастлаб тахирлиги учун

кўп ҳам истеъмол қилмаймиз. Пишиб етилгач, юмшаб қолиши эвазига тезда урилиб, лат еб қолиши сабабли ташлаб юборамиз. Уша ерда қурилган хурмони татиб қуриб, унинг шу қадар ширин ва тотли егуликка айланишидан ҳайратландим. Юртимга қайтгач, буни тайёрлаш бўйича, албатта, ташаббус қурсатаман, деб ният қилдим.

Инновацион ривожланиш вазирлиги эълон қилган “Бўлажак олим” танловида лойиҳамга 335 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Хурмо мевасининг ранги ва шакли худди куёшга ўхшагани, қолаверса, пишиб майиз бўлгунга қадар офтобнинг асосий иштироки мўл бўлгани боис, лойиҳамни “Куёш томчилари” деб номладим.

Хурмо меваси махсус ускуна ёрдамида пўстидан тозалангач, куз ойларидаги илқ офтоб тафтида қурилади. Ихтирочи олимлар билан биргаликда такомиллаштирилётган дастгоҳ кунига 800-1000 килограмм мева пўстини арчишга мўлжалланган. Бунда мева қўлда арчилганга қараганда сифатлироқ тозалашиб, ўнлаб ишчи кучини тежайди.

Бу инновацион лойиҳа халқимизга хурмоқоқини кишин-ёзин сақлаш имконини бериб, дастурхонларни яна бир қуруқ мева билан бойитиши. Айтганча, ишлаб чиқариш қурилмасидан фойдаланиш осон бўлгани боис, маҳаллалардаги ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш ва ҳудудларни шу йўналишга ихтисослаштириш ҳам мумкин.

Бундан 25–30 йил олдин симсиз телефон орқали мулоқот қилишни тасаввур қила олмасдик. Энди бу ақлли қурилмалар орқали нафақат гаплашиш, балки китоб ўқиш, расмга тушиш, мусиқа эшитиш, қон босимини ўлчаш ва реал вақт тартибда тасвири видео мулоқотлар қилиш мумкин бўляпти. Фикримизнинг индаллоси шундаки, илм-фан ва техника ютуқларини кенг қамровда қўллаган ҳолда иқтисодий тармоқлари, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш давр талабига айланиб улгурди.

ЁШ ОЛИМЛАР ҚЎЛИДАГИ

Бизда “start-up”лар қандай ривожланмоқда?

Маълумотларга кўра, ер юзи бўйлаб ҳар йили 100 миллион стартап ўз фаолиятини бошлайди. Бироқ компаниялар томонидан 5,7 миллион стартап муваффақиятли тарзда акселератор дастурларига саралаб олинади. Шундан 824 тасигина жакон бозорига ўзининг товар, иш ва хизматларини таклиф этиш орқали чиқиш имкониятига эга бўлади. Рўйхатдан ўтган бошқа стартаплар эса одатда, тўғри бизнес-модел танланмагани, самарали стартап лойиҳасининг шаклланиши, инвестициялаш манбасига эга бўлмагани каби қатор сабаблар туфайли ўз фаолиятини тугатишга мажбур бўлади.

Бундай муаммо барча давлатлар сингари мамлакатимизда ҳам кузатилади. Шунга қарамай, сўнгги йилларда юртимизда стартап лойиҳалар сони кўпайиб борапти. Уларни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг

норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда тегишли низомига мувофиқ, танлов асосида амалга оширилади. Яъни, Инновацион ривожланиш вазирлиги бир йилда камида 2 маротаба танлов эълон қилади ва келиб тушган мурожаатлар 3 та саралаш босқичида “стартап” лойиҳалар мутахассислари томонидан ўтказилади.

2019-2021 йилларда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан жами 90 та стартап лойиҳа танлов асосида молиялаштирилган. У турли соҳаларни қамраб олгани ҳолда, лойиҳаларнинг умумий қиймати 70,3 миллиард сўми ташкил этган. Мазкур стартап лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 674 та янги иш ўрни яратилиб, экспортбоп ва импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Ана шундай ёш ва умидли стартапчиларнинг аксарияти бугунги кунда муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Дониёр ХАЙДАРОВ,

Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги инновацион инкубаторлар марказида “Рекуператор (чиқиндилар, турли газлар ва бошқа омиллар сабаб зарарланган об-ҳавони тозалаб берувчи қурилма) ва ҳаво тозалагичларни ишлаб чиқариш” стартап лойиҳаси директори:

— Менда ушбу лойиҳани амалга ошириш гоёси Навоий шаҳрига меҳмон бўлиб борганимда пайдо бўлган, — дейди Дониёр. — Ҳар гал у ерга борганимда битта муаммога гувоҳ бўлганман. Яқин атрофдаги кимёвий заводлардан чиқади-ган тутунлар одамлар турмуш тарзи ва ҳаёт кечиришида ноқулайлик туғдирарди. Уша кезлари бу ҳудудда ҳавони тозалаш бўйича бирор иш қилиш лозимлигини ўйлаганман. Бундан ташқари, 2021 йил ноябрь ойи бошида мамлакатимизнинг аксарият ҳудудлари қуюқ чанг остида қолгандан сўнг, ушбу гоёни амалга ошириш фикри янада қатъийлашди. Албатта, бу пайтгача лойиҳа устидан иш бошлаб юборилган эди. Яъни, 2021 йил ёзида танлов эълон қилинган ва шу танловда қатнашиб ғолиб бўлгандим.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан умумий қиймати 698 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Шу пайтгача маблағнинг қарийб 295 миллион сўми маҳсулот тадқиқоти жараёнига сарфланди. Қолган харажатлар ҳам ишимизга қараб босқичма-босқич тўлаб бориляпти. Лойиҳа устидан ишлаш давомида бошқа давлатларда ҳавони тозалайдиган ускуналарнинг қандай турлари ишлаб чиқарилаётгани, қурилма мутахассислар томонидан тадқиқ қилинганда қандай камчиликлар кузатилаганини батафсил ўрганишга ҳаракат қилдим. Тўғри-да, кимдир сиздан бирор маҳсулотни сотиб олса-ю, кўп ўтмай унинг қусури юзага чиқса, бу сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам нохуш ҳолат. Шу боис, имкон қадар камчиликларга йўл қўймасликка интиланман.

Лойиҳани тайёрлаш жараёнида кимёвий заводлар ва бошқа зарарли чанг-тўзонлар мавжуд ҳудудларнинг иқлими ҳамда аҳолисининг саломатлигини ўргандим. Жараёнда ҳавоси ифлосланган ҳудуд одамлари бошқа жойда истикомат қилувчи фуқароларга нисбатан ўткир респираторли ва мавсумий касалликлар билан тез-тез оғриб туришига гувоҳ бўлдим. Лойиҳани амалга ошириш орқали айнан ёмон об-ҳаво шароитида яшайдиган аҳолининг тоза ҳавога бўлган эҳтиёжини қондириши мақсад қилганимиз ҳам шундан.



Қурилманинг иқтисодий самарадорлиги ҳам бор. Биринчи навбатда, импорт ўрни қопланиб, Ўзбекистон рекуператорларни чет элдан қиммат нархларда сотиб олмайд. Қолаверса, маҳсулотни экспорт қилишдан ҳам мўймай даромад топиш мумкин.

Албатта, бренд яратиш устидан ҳам ишляпмиз. Рақобат шароитида маҳсулотнинг бошқаларникидан афзал жихатлари бўлиши керак. Масалан, кўп рекуператор ва ҳаво тозалагичларнинг қимматга тушадиган жиҳати — унинг филтърлари ҳисобланади. Биз ана шу филтърларни бир марталиқ эмас, балки кўп маротаба ювиб, қайта ишлатса бўладиган қилиб тайёрляпмиз. Айни пайтдаги изланишимиз филтърларнинг сифатли ва таннархи арзонроқ бўлишига қаратилган.

Рекуператор ўзидан озонатор ишлаб чиқармайди. Гап шундаки, озонатор ҳавони тозалаш жараёнида зарарли моддаларни йўқ қилиш билан бирга, одам организмга фойдали бўлган бактерияларни ҳам ноубуд қилади. Шу боис, янги технологияга нанокатализатор ўрнатилган. У ўзидан фаол кислород ишлаб чиқариб, 1-2 сониянинг ўзидеёқ зарарли вируслар, жумладан, юқумли касаллик ташувчи, ўткир респиратор вирусини инфекцияларни ўлдиради. Ускунанинг яна бир афзаллиги, ичкери ва ташқари девор орасида ўрнатилишида. Кўчадаги ҳаво филтърдан ўтиб, нанокатализатор орқали уйга кириб келгани боис, хоналарни шамоллатиб туришга ҳолат қолмайди.

Нозимжон ТҲҲУНОВ,

“Innovative developers” масъулияти чекланган жамияти директори:



— Тиббиёт соҳаси талабаси бўлганим боис, анча йиллардан буюн чекка ҳудудлардаги аҳоли саломатлигини тиклаш ҳақида ўйлардим. Сўнг “Оҳангарон ва Ургут туманларида телемедицина хизмати ташкил қилиш лойиҳаси” таклифи билан қикдим. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган стартап лойиҳалар танловида ғолиб бўлганимдан кейин телемедицина хизмати ташкил этиш ишларини бошлаб юбордик. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси

мазкур лойиҳага 733 140 минг сўм ажратди, лойиҳа доирасида 8 нафар юрtdошимнинг бандлиги таъминланди.

Телемедицина хизмати, аввало, олис ҳудуддаги фуқароларга масофадан туриб юқори малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконини беради. Бунда шифокор қабулига онлайн ёзилиш, навбат кутмаслик ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш зарурати бўлмаган оғир беморларга масофадан ёрдам кўрсатиш мумкин. Бу ортиқча вақт ва маблағ сарфланишининг олдини олади.

Яна бир қулайлиги, жарроҳлик амалиёти вақтида ёки бахсли вазиятларда АҚШ, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Жаңубий Корея каби хорижий мамлакатлардаги ҳамкор ташкилотларда фаолият юритувчи малакали шифокорлардан реал вақт режимида маслаҳатлар олиш мумкин.

Телемедицина алоқасини ўрнатишда “Шифокор — шифокор” ҳамда “Бемор — шифокор” ҳамкорлигини ташкил этиш принциплари мавжуд. Ҳозир юртимизда кўпроқ биринчи усул, яъни, “Шифокор — шифокор” типидagi телемедицина хизмати йўлга қўйилмоқда. Бунда шифокорлар ўртасида маълумот алмашиш, шунингдек, тиббий таълим, солиқни сақлаш ва тиббий хизматлар соҳасида бошқариш учун электрон ахборот, интеграциялашган рақамли ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш — тиббий тадқиқотлар натижаларини ёки шифокор хулосаларини

беморга етказиш, шунингдек, телекоммуникация технологиясидан фойдаланган ҳолда шифокорнинг беморга маслаҳат беришини ташкил этиш каби-лар амалиётда қўлланади.

Тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий йўналиши — бу функционал текширувни амалга ошириш, бошқа ҳудуд, хусусан, пойтахтдаги тиббиёт марказлари ҳамда хорижий мутахассислар, етакчи тиббиёт марказлари билан алоқа ўрнатган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва профилактикани ўз ичига олган телемедицина хизмати йўлга қўйишдан иборат. Шундай туманларда ишга туширилаётган телемедицина электронцефалограф, ультраовуш ташхиси ускунаси, электрокардиограф, дерматоскоп, отоскоп, стетоскоп каби интернет тармоғи орқали маълумотларни узатувчи ускуналар билан жиҳозланмоқда. Улар маълумотларни тасвир, видео, аудио ёзув сифатида маслаҳат берувчи мутахассисга интернет тармоғи орқали етказиб бера олади ва “иккинчи фикр” ёки консилиум ташкил қилиш ёхуд маслаҳат олишда хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ёшларимиз яратаётган мана шундай стартап лойиҳа, инновацион ихтиролар юрtdошларимиз оғирини енгил қилиш, мамлакат ривожига хизмат қияпти.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
журналист

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА СОҲАДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда таълим сифатини яхшилаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йил якунига қадар

Соҳада 400 миллион долларлик кредитлар ўзлаштирилади.

Ушбу марказлар “тайёр ҳолда”

5

йиллик имтиёзли давр билан камида

10

йилга лизинг асосида сотилади.

Жорий йилда

6 та вилоятда, 1,8 минг гектарда интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилиб, тадбиркорларга камида 7 йил муддатга лизингга берилади.

1 майдан боғ ва тоқзорлар барпо этиш учун тадбиркорларга камида 10 йил муддатга кредитлар ажратилади.

Бунинг учун, 1 майга қадар 20 миллион доллар, натижага қараб, йил якунига қадар яна 45 миллион доллар ажратилади.

2022 йилда

6

та вилоятда агрохизматлар марказлари ташкил этилиб,

100

дан ортиқ хизматлар йўлга қўйилади.

Шунингдек:

Қишлоқ хўжалигида маблағларни бошқариш ва мониторинг қилиш ахборот тизими ишга туширилади.

Ерлар ва экинлар ҳисоби ҳамда мониторингини юритиш рақамлаштирилади.

1 АВГУСТГА ҚАДАР 7 ТУРДАГИ, 2023 ЙИЛДА БАРЧА ТУРДАГИ СУБСИДИЯ ТЎЛАШ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМГА ЎТКАЗИЛАДИ;

1 декабрда Фарғона ва Самарқандда, 2023 йилда барча ҳудудларда сув баланси ва сарфи ҳисобини юритиш ҳамда ерларни тўғри сифори ишларини масофавий мониторинг қилиш ахборот тизими жорий қилинади.

2022-2023 ЎҚУВ ЙИЛИДАГИ ЯНГИ ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ

2022

йил 1 сентябрдан университетда

7

та мутахассислик бўйича

200

нафар талабани ўқитиш йўлга қўйилади.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

Халқ амалий санъатининг ушбу икки йўналишидаги энг яхши анъаналарни ривожлантириш, зардўзлик ва заргарликнинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, ҳунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш, ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган мазкур тadbирга қадимий шаҳарда катта тайёргарлик кўрилмоқда.

АНЪАНАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ

Бухоро шаҳрида 21-25 май кунлари илк бор Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали ўтказилади

Кўҳна шаҳарнинг ўзига хос бренди

— Ҳар икки йилда бир бор ўтказилиши кўзда тутилган ушбу халқаро фестивални халқ амалий санъати усталари интиқлик билан кутмоқда, — дейди республика “Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Акбар Мухаммадов. — Шаҳримизда илк бор ташкил этилаётган бу анжуман халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга, хунармандчиликнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналарини бойитишга, ёшларнинг ота-боболаримиз қолдирган бой меросга қизиқишини янада оширишга хизмат қилиши билан катта аҳамият касб этади.

Фестивалга дунёнинг 58 давлатидан 220 нафардан зиёд меҳмон келиши кутилляпти. Улар орасида юз нафарга яқин заргар, ўттиз нафардан зиёд зардўз бор. Тадбирда катнашиш истагидаги юз нафардан ортиқ маҳаллий заргару зардўзлар хорижий усталар билан ўзаро тажриба алмашиш, маҳорат сабоқлари ўтиш, маҳсулотларини намойиш этиш, сотиш имконига эга бўлади.

Фестиваль ўтадиган масканларда банк хизмати ва божхона шоҳобчалари фаолияти ҳам йўлга қўйиллади. Шу орқали заргарлик буюмини харид қилган хорижий меҳмонга шу ернинг ўзидаяк зарур хизматлар кўрсатилиши назарда тутилган. Халқаро фестиваль бўлиб ўтадиган манзил сифатида эса шаҳарнинг Арк қўргони билан Пойи Калон мажмуасигача бўлган қисми танланган. Анжуманинг очилиш ва ёпилиш маросимлари кўҳна Арк олдидаги майдонда бўлиб ўтади. Фестиваль доирасида “Анъанавий зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ташкил этилади.

— Фестиваль логотипида заргарлик маҳсули саналган узук силуети, зардўзликда ишлатиладиган “каъбагул” нақши, серкўш Бухоро ва гумбаз тасвири акс этган, — дейди “Ситораи Моҳи Хосса” халқ амалий безак санъати музейи маъсул ходими Наргиза Жумаева. — Булар бежиз эмас. Юртимизда азалдан бу икки йўналиш раванқ топган. Зеро, 1920 йилгача кўҳна шаҳарда 300 дан 350 нафаргача зардўз уста фаолият юритгани тарихдан маълум. Ҳозирда заргарлик ва зардўзлик Бухоронинг ўзига хос брендига айланган.

Хунарнинг олдида хасдир олтин-зар

Бахшулло Жумаев ана шундай хунармандлар оиласида туғилиб, вояга етган. Истиқлол йилларида унинг орзу-хаваслари ушалди. Ҳалол меҳнат ортидан зардўзлик мактабига асос солди.

— Болалигимда акамга эргashiб, “Моҳир қўллар” тўғрагига борганман, — дея эслайди Б.Жумаев. — Ранг-баранг тасвирлар чизиш жону дилим эди. Мактабдан сўнг Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)да бадиий графика йўналишида тахсил олдим. Собиқ “Зардўз” фабрикасида бош рассом вазифасида меҳнат қилдим. 1995 йилда республикада ягона саналган “Совга” зардўзлик мактабини ташкил этдим. Зардўзлик билан шугулланаётганимга салкам 45 йил бўлди.

Биласизми, ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Уларнинг хунар ўрганишлари, илмий бўлишлари учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Мана, анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Ипак ва зирворлар” ёки шаҳримизда илк бор ташкил этилаётган “Заргарлик ва зардўзлик” халқаро фестивалини олиб кўринг. Хунар этагидан тутаман, деган ёшлар учун шуларнинг ўзи бир мактаб. Болалигимизда бундай анжуманлар биз учун ширин орзу эди, холос. Айтмоқчи, ўқувчилик кезларимизда синф доскаси ёнида “Олтин олмагинг-у ўрганган хунар, Хунарнинг олдида хасдир олтин-зар”, деган ҳикматли сўз ёзиқлик турарди. Шу ҳикмат замирида бир дунё ҳақиқат ётганини бугун ўз ҳаётим мисолида кўрдим.

Бахшулло аканинг айтганича бор. Зардўзлик ортидан у Испания, Франция, Греция, Германия, Япония каби дунёнинг 25 давлатида ўтказилган халқаро кўргазмалар иштирокчиси бўлди. “Бухорои шариф”, “Қўштовус”, “Алишер Навоий”, “Амир Темур”, “Баҳор” деб номланган йирик полотноли зардўзлик санъати асарларини яратди. “Шухрат” медали билан тақдирланди. ЮНЕСКОнинг “Халқаро микёсдаги уста” сертификати соҳиб бўлди. “Ташаббус-97” танлови республика босқинчилиги “Энг яхши хунарманд” йўналишида биринчи ўринни қўлга киритиб, Президент совғаси — автомашина билан тақдирланди. Хунар билан оилавий шугулланиб келаётган устага кўҳна шаҳарнинг қоқ марказидан яшаш ва ижод қилиши учун жой ажратилди.



Бир хунармандга эътибору рағбат бундан ортиқ бўлиши мумкинми?

— Зардўз табиатни, шеърятни севиши, ардоқлаши керак, — давом этади Бахшулло ака. — Мен она табиатимизнинг бетақорр манзараларидан завқ олиб, Алишер Навоий, Ғофурий, Абдурахмон Жомий шеърятидан илҳомланиб ижод қиламан. Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтсам... “Зардўз” фабрикасида ишлаётган кезларимиз Алишер Навоий портретини яратётган эдик. Япониядан келган бир гуруҳ сайёҳлар ишимизни синчиқлаб қузатди. Улардан бири бу асар учун бешовлон тўрт ой вақт сафласишимизни эшитиб, мийиғида қулди ва “Биз буни компьютерда ярим соатда бажаришимиз мумкин”, деди. Шунда мен “Ҳа, компьютерда биз юмушни тез бажаришингиз мумкин. Лекин техника бу темир, жонсиз бир буюм. Унда ҳеч қандай ҳис-туйғу йўқ. Биз эса бу асарни қалб кўри, кўз нури билан яратялмиз. Қўл меҳнати ўрнини эса ҳеч нарса боса олмайдми”, деб жавоб бердим. Бу гапни эшитган сайёҳлар бизни олиқшлади, тасанно айтди. Ушанда зардўзликдек сермашаққат хунар эгаси бўлганимдан беҳад ғурурланганман.

Халқаро анжуманга келсак, турмуш ўртоғим, шоғирдларим билан биргаликда ранг-баранг зардўзлик буюмларини тайёрлялмиз. Улар ҳам аввалги ижод маҳсулларимиз каби музейлар, шахсий

коллекциялардан ўрин олади, деган умиддамиз. Фестивалда “Зардўзлик санъати” номли китобим тақдироти ҳам ўтказилишидан ҳаяжондаман.

Орзулари ушалган зардўз

— Халқаро фестивалга тайёргарлик кўрар эканман, кўнглимда шукроналик ҳиссини туюман, — дейди зардўзларнинг бешинчи авлоди саналган Маҳфуза Салимова. — Ҳаётда нималарга эришган бўлсам, ҳаммасини халқ амалий санъати шарофатидан деб биламан. 2017 йилда орзуларимдан бири ушалди. “Малика Султон” оилавий корхонасини барпо этдим. Ҳозир бу ерда 150 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар зардўзлик билан шугулланиб, оилаларига қўт-барака олиб киряпти. Сабр-тоқат, кунт билан ишлаб, зар ипдан кўз кўрса қувонадиган миллий либослар, чопонлар, жойнамоз, сўзаналар тикмоқда. Қадимий зардўзлик чокларини қайта тиклашяпти...

Ҳа, касбини ардоқлаган устанинг меҳнатлари эътиборсиз қолмас экан. У ўндан зиёд мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва танловларда мундифақиятчи иштирок этган. “Ташаббус — 2011” курик-танлови республика босқичи ғолиби бўлган зардўз 2018 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланди. Яқинда Маҳфуза оиланинг яна бир орзуси рўёбга чиқди. Устахона ва зардўзлик намуналари жамланган музей барпо этди. Халқаро

фестиваль кунларида бу марказ хорижий сайёҳу меҳмонлар энг кўп ташриф бурорадиган масканга айланса, ажаб эмас.

Ҳозир ушбу оилавий корхонада зардўзлик, каштачиликнинг 40 дан зиёд турига дахлдор харидоригр буюмлар тайёрланмоқда. Улар ички бозордан ташқари қўшни давлатлар, шунингдек, АҚШ, Туркия, Россияга ҳам экспорт қилинмоқда.

— Салкам 45 йилдан буён зардўзлик қиламан, — дейди корхона ишчиси Ҳикоят Очилова. — Шаҳримизда халқаро фестиваль ўтказилиши ҳақида эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Шукр, меҳнатимиз қадр топяпти. Кўплаб шоғирдларимиз бор. Хунаримизни невараларга ҳам ўргатялмиз. Баъзилар зардўзликни игна билан қудуқ қазигаша қийслашади. Бу гапда жон бор. Мана, кўриб турганингиз 3х2,5 ўлчамли гиламни қадимий усулда тиклялмиз. Шеригим билан саккиз ой вақт сарфлялмиз. Баъзан ишимизни кузата туриб, “Кўзингизни мато устидаги қўлдан узмайсиз, унинг остидаги иккинчи қўлингиз ҳаракатини эса қўриш имкони йўқ. Бунақада қандай қилиб бежирим, беҳато нақшлар тикиш мумкин”, дея ажабланиб сўрашади. Мен шунда уларга “Ҳаммасини қалб кўзи билан кўриб, ҳис этамиз”, деб жавоб бераман.

Ҳикоят опа ҳақ. Матога қалб кўзи билан солинган нақшлар жиқоси ўзгача бўлади. Улар оҳорини асло йўқотмайди.

Тажрибали усталар кўмагида зардўзлик сирларини ўрганилман, — дейди Бухоро туманидаги Чорбак қишлоғида яшовчи Меҳринур Убайдова. — Халқаро фестиваль муносабати билан миллий либослар туркумини тайёрлялмиз. Бу ерда мен каби зардўзликча ҳавас қилиб, хунар ўрганаётган қизлар кўп.

Тошга битилган нақш

Сирасини айтганда, хунарнинг энгилй йўқ. Хусусан, заргарлик кишидан ўткир нигоҳ, юксак дид, сабр-тоқат талаб этади. Алишер Ҳамроев фестивалга мўлжаллаб тайёрланаётган кўргазма устида ишларкан, бу ҳақда алоҳида тўхталиди.

— Қўриб турганингиздек, қадимий Арк қалъасининг шундоқ ёнбошида жойлашган бобомерос уйда яшаб, ижод қилганман, — дейди у. — Бобом, отам заргарлик билан шугулланган. Уч ўғлим ҳам заргарлик қилиб, кам бўлаётгани йўқ. Аслида, бу жуда нозик, инжик иш. Ҳамама ҳам эплаб кетавермайди.

Тажрибамдан яхши биламан: 100 та шоғирдим орасидан 20-25 нафар яхши заргар чиққан. Лекин “Ёшлиқда олинган билим — тошга битилган нақш”, деб бежиз айтишмаган.

Сизга айтар бўлсам, заргарлик кўп синовларни, талотўпларни бошдан кечирди. Шўро тузуми даврида шу хунарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаган ҳамшаҳримиз Ғуломжон заргарнинг сўзларини яхши эслайман. “Кечқурун дарвозани қўлфлаб, биров хабар топмасин”, деб пинҳона ишлардик”, дерди раҳматли. Гап шундаки, шўро тузumi якка тартибдаги меҳнатга тўсиқ қўйган, заргарлик буюмлари давлат корхоналарида тайёрланиб, махсус дўконлар орқали сотиларди. Лекин заргарликда фақат қўл меҳнатини талаб қиладиган тақинчоқлар ҳам бор. Дейлик, ўша пайтларда Бухорода никоҳ тўйларида келинга совға қилинадиган шибирма халқасиз ўтмасди. Дўконда эса бу тақинчоқ анқонинг уруғи эди. Одамлар истаимизми-йўқми, заргар меҳнатига эҳтиёж сезарди.

Бугун эса эмин-эркин ишлялпмиз. Хо-машёни биржа орқали харид қилялмиз. Қўймати беш минг АҚШ долларигача бўлган маҳсулотимизни хорижга олиб чиқиш имконига эгамиз. Солиқ борасида имтиёзлар берилган. Эл-юрт “Уста” деб хурматимизни жойига қўймоқда. Бутун бошли фестиваллар ўтказиляпти. Маёбодо, қийин палларанда заргарлик хунарини тишининг қовағида асраб-авайлаган ота-боболаримиз ҳозир ҳаёт бўлганида “Бу тушимми ёки ўнгим”, дея ажабланишлари тайин эди.

Алишер ака ҳақ. Чиндан ҳам хунарманднинг елкасига офтоб теғди. Дафъатан музейни эслатадиган заргарнинг устахонасида ҳозир 500 дан зиёд турдаги тақинчоқларни тайёрлаш йўлга қўйилган. “Ташаббус — 2009” курик-танлови республика босқичида “Энг яхши хунарманд” деб топилган уста АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Япония, Россияда ўтказилган нуфузли халқаро фестивалларда иштирок этган.

— Асосий мақсадим заргарликнинг йўқолиб кетган турлари ва анъаналарини қайта тиклашдир, — дейди у. — Шу боис, нафақат Бухоро, балки Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё заргарлигига хос услубларни ўрганиб, уларни истеъмолга киритиш ҳаракатидаман. Қадимий китоблар, музейлар заргарликнинг ноёб буюмларини излаб топишмда манба вазифасини ўтаятти. Масалан, яқинда қалдоқ қундалдосидадан нусха олиб, уни қайта тиклашга мунваффақ бўлдим. Тиллақоши, “қундалдоси” сирғаси, зебигардон, нозиғардон, билакузук каби миллий тақинчоқларимизга хорижда ҳам қизиқиш катта. Масалан, мен ҳатто Голливуднинг бир гуруҳ юлдузлари буюртмасини бажардим. Уларга тилла ва қумушдан қадимий услубда боғалар сўргичлари тайёрлаб бердим. Шаҳримизда ўтадиган Халқаро фестивалда ана шундай ноёб тақинчоқлардан иборат кўргазмаимизни ҳам намойиш этамиз.

Бугун кўҳна шаҳар бўйлаб юраркансиз, байрамаона бир руҳни ҳис этасиз. Асрларни қаритган масжиду мардасарлар, савдо тоқлари, қадимий карвонасаройлар гўё ана бир улуғвор кунни интиқ кутаётгандек. Устахоналар, хунармандчилик мактабларида эмин-эркин ишлаб турган усталар ҳамда уларнинг шоғирдлари эса одатий ишлар билан банд. Улар меҳнатини ҳайрат билан томоша қилаётган сайёҳларни кўриб, қўли меҳнатда, қўнгли Аллоҳда бўлган халқимизга тўйлар, байрамлар ярашади, дегинг келади.

Рустам ИБРОҲИМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

САМАРАДОРЛИККА ЙЎЛ ОЧГАН ҲУЖЖАТ

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда стратегияни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга доир давлат дастурининг жорий йил I чорагидаги ижроси юзасидан бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Дастурнинг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланган бешинчи йўналишида Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон халқаро ислом академиясига бир қатор вазифалар юклатилган.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудовнинг ағни пайтда амалга ошириб келинаётган ишлар ҳақидаги маълумотини тинглади.

— Бугун юртимизда аҳиллик, эзгулик, бирдамлик ва маънавий поклик фазилатлари улуғланадиган қўтлуғ рамазон оғи ва мусулмонларнинг мўътабар байрами Йид ал-Фитр шуқуқи кезмоқда, — деди Д.Махсудов. — Рамазон ойининг ўтган даври мобайнида диний-маърифий соҳа ходимлари томонидан кам

таъминланган 23 мингдан ортиқ оила, 8,5 минг нафар етим бола ҳолидан хабар олинди. Ушбу мақсадларга “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан жами 1 миллиард 896 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, моддий ёрдамга муҳтож фуқароларга хомийларни жалб этган ҳолда 725 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида жами 2331 та диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган. 2017 йилдан 2 та олий ва 1 та ўрта махсус ислом билим юрти, 72 та масжид ҳамда турли конфессияга тааллуқли 17 та ноисломий диний ташкилот фаолияти йўлга қўйилди. Диний конфессияларнинг барчаси ўз ибодатларини эмин-эркин адо этадилар, диний маросимларини бажарадилар.



Дунёда кузатилган COVID-19 пандемияси туфайли тўхтаб қолган Умра зиёрати январь ойида қайта тикланиб, бугунги кунга қадар 33 мингдан зиёд юртдошимиз Саудия Арабистони Подшоҳлигида зиёратга бўлиб қайтди. Ҳозирга қелиб, Умра учун қоталар олиб ташланди, бу йилги Ҳаж амалларини ташкил этиш бўйича келишувлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби халқаро илмий-тадқиқот

марказлари ҳам белгиланган вазифалардан келиб чиқиб самарали фаолият юритмоқда. Бугунги кунда марказлар томонидан буюк аждодларимиз илмий меросига оид 100 дан зиёд асар таржима қилиниб, нашр этилди. Бундан ташқари, диний таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган Куръони карим ва таъвид курслари фаолияти мунтазамлик касб этган.

Тадбирда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолияти ҳақида ҳам мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди. — Ўзбекистон халқаро ислом академияси дунёдаги етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот марказлари орасида ўз нуфузига эга, — деди академиянинг биринчи проректори Шавкат Мавлонов. — Сўнгги йилларда фаолиятимизда кўплаб янгиликлар татбиқ этилмоқда. Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайди. Академия профессор-ўқитувчилари, ёш илмий тадқиқотчиларнинг халқаро конференция, илмий семинарлар ҳамда халқаро грантлардаги иштироки фаоллашди.

2021 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан олий таълим муассасалари Миллий рейтинги эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1286
85049 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусахҳис: Рўзкул Очилов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 01:20 Топширилди — 03:00

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz